

**МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ
РИВОЖЛАНИШИГА ИККИ ТИЛНИ ЎРГАНИШНИНГ ТАЪСИРИ**

Курбанова Зилола Алишер қизи

Низомий номидаги ТДПУ ўқитувчи

Аннотация : Мақолада нутқ маданияти ва маданий нутқнинг фазилатлари ҳақида, унинг тўғрилиги, аниқлиги, мантиқийлиги, ифодавийлиги, бойлиги, софлиги ҳақида маълумот берилган.

Калит сўзлар: нутқ, нутқ қобилияtlари, нутқ камчилиги, луғат бойлигини, икки тилилик.

Нутқ бола шахсининг ривожланиш жараёнида луғат бойлигини ривожлантириш, сўзнинг маъноси ва мазмунини идрок этиш, нутқнинг лексик томонининг шаклланиши бола билиш жараёнининг ривожланишида катта аҳамиятга эга. Чунки сўз нафақат муомала ва шахслараро муносабат воситаси, балки шахс, тафаккур ривожланишнинг негизидир. Она тилидан ўзлаштиришнинг пастлиги бола шахсининг эмотсионал, когнитив ва хулқатвор жиҳатдан ривожланишига салбий таъсир қўрсатади. Шундай қилиб, икки тилилик нима? «2004 -2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони китобида бунга шундай таъриф берилган: “Иккита тилда галма-гал фойдаланиш амалиётини икки тилилик деб, уни амалга ошираётган шахсларни эса икки тиллилар деб атайдиз”. Бу ерда тиллар қай даражада эгаллангани қўрсатилмаган: шунчаки иккита тилдан галма-галдан фойдаланиш амалиётининг ўзи улардан коммуникатив мақсадларда фойдаланиш имкониятини бериши кўзда тутилган. В.Й.Розенсвейгнинг икки тилиликка берган таърифи ҳам юқоридагига ўхшаш: “Икки тилилик деганда одатда иккита тилни билиш ва мулоқот вазиятига қараб уларнинг биридан иккинчисига ўтиш тушунилади”.

Нутқнинг илк ривожланиш босқичида иккита тил тизимини ўзлаштириш болалар учун мураккаб масаладир, чунки улар ўзга (она тили бўлмаган) тилнинг товуш тизимини ўзлаштиришга қийналадилар ва лексик-грамматик томонлари узоқ вақт шаклланмайди. Ушбу барча муаммолар нутқ паталогиясига эга ўқувчиларда она тилини ва иккинчи тил рус тилини ўқитишда паст натижаларга олиб келади, саводхонлиги юқори бўлган шахсни тарбиялаш жараёнига тўсқинлик қиласди. Ҳозирги икки тиллик шароитида тил кўникмаларини шакллантиришнинг янги, янада самаралироқ технологиясига зарурат сезилмоқдаки, у аввалом бор шакллантирилаётган ўқитиш ишининг психологик тузилишини (структурасини), тилга оид билимларни (малакаларни) ўзлаштириш ва қўллай билишнинг психологик механизмларини ҳисобга олган бўлиши, иккинчи тил қонунларини амалда мустаҳкамлашга ва нутқни эгаллаш жараёнида она тилни яхши ўзлаштирилган бўлиш лозим.

Ўқувчиларнинг икки тиллик шароитида рус тилини ривожланиш даражасидаги ва рус тилидаги ўқув материалини ўзлаштириш имкониятларидағи фарқларни ҳисобга олган ҳолда уларга дифференциаллашган ёндашув тамойилини амалга ошириш йўлларини аниқлаш ва илмий асослаб бериш лозим. Бунда П.Й.Гальпериннинг ақлий хатти-ҳаракатларни босқичма-босқич шакллантириш назарияси методик жиҳатдан энг маҳсулдор бўлиб, кўрсатиб ўтилган талабларга кўпроқ жавоб беради. Бугунги кунда болаларда нутқнинг бузилиш табиати тўғрисидаги илмий билимлар ривожланмоқда. Бироқ, кўпчилик тадқиқотлар асосан нутқий фаолиятнинг нейролингвистика ва нейропсихология нуқтаи назаридан (А.Н.Корнев, Н.И.Светкова), фонетик турли бузилишларини батафсил ўрганишга бағишлиланган бўлиб, ўқувчиларга бевосита икки тиллик шароитида логопедик таъсир кўрсатиш самарадорлигини ошириш масалалари республикада четда қолиб келмоқда. Шундай қилиб, нормал нутқ ривожланишига эга бўлган ўқувчилардан фарқли ўлароқ, нутқида камчилиги

бор рус синфларида ўқиётган ўзбек ўқувчиларда оғзаки ва ёзма нутқ хусусиятларини ўрганиш, нутқ нуқсонларни дифференциялаш (фарқлаш) масалалари муаммо бўлиб келмоқда. Шундай экан, нутқи ривожланмаган ўқувчиларда лексик-грамматик, фонетик-фонематик, дудукланиш бузилишларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, энг асосийси боланинг психологик муаммоларини ечимини топиш ва болада тил билан учрайдиган муаммоларни ўрганиш ва уларни ҳал этиш, энг мақбул йўлларини қидириш замонавий психология ва педагогиканинг долзарб, назарий ва амалий жиҳатдан аҳамиятли масаласидир.

Адабиётлар:

1. Агапова И.Ю., Чеховская В.Б. Подготовка детей к школе // Начальная школа. 2004. С. 19 – 20.
2. Азарова Т.В., Битянова М.Р. Развивающая работа психолога на этапе адаптации детей в школе // Мир психологии. 2006. – № 1. – С. 147 – 170.
3. Амонашвили Ш.А. Здравствуйте, дети! Пособие для учит. - 2-е изд., М.: Просвещение, 2006. 347 с.
4. Андреева Г.М. Психология социального познания: Учеб. Пособие для высших учебных заведений. - М.: Аспект Пресс, 2007. 254 с.